




ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИСТАНБУЛГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун 11 ноябрь куни Истанбул шаҳрига келди.



Олий мартабали меҳмонни Туркиянинг расмий шахслари кутиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев Истанбул шаҳридаги ўзи учун ажратилган қароргоҳда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Бағдод Амреевни қабул қилди.

Ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиkning долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашга аъзо давлатлар ўртасидаги конструктив мулоқот жадал ривожланаётгани ва амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Туркий кенгаш мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 4 мингга яқинлашди.

Жорий йилда мамлакатимизда Ташкилотнинг қатор муҳим тадбирлари, жумладан, Хива шаҳрида маданий вазири, Қўқон шаҳрида туризм вазири учрашувлари, Тошкент шаҳрида ёшлар форуми ўтказилди.

Ўзбекистон етакчиси бутун минтақа барқарорлиги ва раванглиги таъминлашга қаратилган муҳим лойиҳа ва дастурларни илгари суришда Кенгаш имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашув давомида бош котиб Бағдод Амреев давлатимиз раҳба-

рига бўлажак саммитга тайёргарлигининг бориши, тадбир дастури ва кун тартибидаги масалалар тўғрисида маълумот берди.

Ўзбекистон чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли, аввало халқимиз учун манфаатли ташкилот сифатида юритилмоқда. Барча шерик давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликини кенгайтириб бормоқда.

Улардан бири — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши. Бу ташкилот 2009 йилда тузилган. Мамлакатимиз унга 2019 йилда қўшилган. Кенгашнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлаш бўйича савдо-иқтисодиётни мувофиқлаштиришдир.

Ухшаш тил ва бир дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган бу ташкилот минтақавий ҳамкорлигининг самарали механизмига айланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг қўшилгани унинг қамровини ҳам, салоҳиятини ҳам оширди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари кўп томонлама ҳамкорлиқни амалий мазмун билан бойитди. Қисқа даврда давлатимиз раҳбари томонидан 20 дан ортиқ тақдирлар илгари сурилди ва амалга оширилди.

Хусусан, 2019 йил октябрда Тошкентда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳамда Инвестиция форуми ўтказилди. 2020 йилда Хива шаҳрига “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” мақоми берилди. Ёш тадбиркорлар форуми таъсис этилиб, шу йил сентябрда Тошкентда унинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Шунингдек, Кенгашга аъзо мамлакатларнинг ёшлар ва спорт масалаларига масъул вазирилар мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти доим алоҳида эътибор қаратиб келаётган транспорт ва божхона соҳасида тартиб-таомиллар рақамлаштирилмоқда. Масалан, мамлакатимизда Туркия ва Қозғистон билан бошланғич лойиҳалар ишга туширилди. Тошкент, Андижон ва Термиздаги логистика марказларимиз Туркий кенгаш доирасидаги “биродар портлар” тизимига қўшилди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси бўйича билдирган тақдирлар ҳам долзарблигини кўрсатди. Кенгашга аъзо мамлакатлар доирасида ушбу касалликка қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилди. Эпидемиологик вазиятни кузатиш, таҳлил қилиш ва прогноزلантириш бўйича доимий фаолият юритадиган тизим йўлга қўйилди.

Шавкат Мирзиёев шерик давлатлар миқёсида туризмин ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу соҳадаги ташаббуслар ҳам амалга ошмоқда. Жорий йил июнда Қўқон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирилар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қўқон туркий дунёнинг илк туризм пойтахти, деб эълон қилинди. Мамлакатларимиздаги муқаддас қадимлоқлар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Махмуд Кошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Муҳаммад Хоразмий меросига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди.

Барча туркий халқлар учун ардоқли бўлган шoir — Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши Президентимизнинг яна бир хайрли ташаббуси бўлди. Бу мукофот билан туркий давлатларда илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган шахслар тақдирланади.

Ўзбекистон Президенти бу галги саммитда ҳам муҳим ташаббусларни билдириши кутилмоқда.

Саммитнинг асосий тадбирлари 12 ноябрга йўлжалланган. Давлатимиз раҳбари қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиши ҳам режалаштирилган.

Ў.А

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз азизларни, сизлар орқали касаба уюшмаларининг миллионлаб аъзоларини мамлакатимизда илк бор нишонланаётган байрам — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдиришдан гоят мамнунман.

Бугунги кунда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 33 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатмоқда ҳамда 6 500 дан зиёд ходим ва 300 мингта яқин фаоллар фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Айни пайтда, касаба уюшмалари ўз сафида 5,5 миллион нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ушбу устувор вазифани самарали таъминлаш мақсадида сўнгги 5 йилда касаба уюшмалари тизимида кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга оширилди, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Корхона ва ташкилотларда йил давомида 1 нафар ишчи ва хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасига сарфланадиган ўртача маблағ миқдори 5 маротаба оширилди.

Бу даврда Касаба уюшмалари федерацияси тизимида 14 та соғломлаштириш маскани қурилди, 5 таси реконструкция қилинди. Натижада бир йилда қўшимча равишда 34 минг нафар юрдошимизни тизимдаги санаторийларда соғломлаштириш имконияти яратилди.

Шунингдек, 593 мингта яқин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, 8700 дан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилгани, 1,5 миллион нафардан ортиқ болаларнинг оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилгани ҳам бу борадаги ишлар қўламининг кенглигидан далолат беради.

Бундан ташқари, 788 мингдан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, 14 мингта яқин кекса авлод вакиллари ва 15 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг республикаимиздаги диққатга сазовор қадамжоларга саяҳатлари ташкил қилинди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 16 мингта яқин корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, аниқланган 61 мингдан зиёд камчиликлар бартараф этилиши таъминланди.

Соҳа ходимларининг савдо-иқтисодий натижасида 14 мингта яқин ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 13,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Кейинги йилларда соҳада халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Касаба уюшмалари умумқонфедерациясига аъзоликка қабул қилиниб, Марказий Осиё давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, “Аёллар дафтери” билан ишлаш тизими орқали ўтган давр мобайнида мутасадди вазирик ва идоралар, ҳокимликлар

билан ҳамкорликда 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказилиб, 900 мингта яқин опа-сингилларимизнинг муаммоларини ижобий ҳал этишда касаба уюшмалари давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан эътироф этиш жоиз.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йили Касаба уюшмалари федерацияси ҳузурида ташкил этилган 1211 “ишонч телефони”га келиб тушган хотин-қизларнинг 100 мингта яқин муурожаатларида билдирилган масалаларнинг ҳал этилгани алоҳида таъсирга лойик.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк вазифани стратегик мақсад қилиб қўйдик. Шу маънода, “Инсон қадри учун” ғоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутди.

Биз бундан буюн ҳам бандлиқни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ижтимоий шериклик имкониятларини янада кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатилга оид ташаббусларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча иш бериувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган қўидаги қоидага амал қилишларини истардим: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинад, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Жонажон Ватанимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қираётган, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда биз учун бош мақсадга айланаётган ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи бутун халқимиз қаби касаба уюшмалари олдида ҳам улкан вазифаларни қўймоқда.


Ўзининг катта ва бой тажриба мактаби, шонли анъаналарига эга бўлган мамлакатимизда касаба уюшмалари уларни самарали ҳал этиб, Янги Ўзбекистонда янги меҳнат муносабатлари шаклланиши ва раванқ топишига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Биз бу йўлда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятининг энг фаол институтларидан бирига айланиши учун қўмақлашиш бўйича бундан буюн бор имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сизларни бугунги кутлуг айём — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, масъулиятли ва олижаноб ишларингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Мана шундай қувончли қўнларингиз кўп бўлсин, хонадонларингиздан ҳеч қачон тинчлик-хотир-жамлик, файзу барака, бахт ва омад аримасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Инсон қадрини улуглаб, халқ таянчига айланаётган ташкилот

Бу йил илк бор 11 ноябрь — Ўзбекистон Касаба уюшмалари куни муносабати билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида “Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари” шиори остида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Давоми 4-бетда



Халқимизнинг оқил ва ғунаво

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ТИББЫЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Худудларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ресурс имкониятларини кенгайтириш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Давлат туман (шаҳар) ва вилоят Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан Молия вазирлигига унинг талабномаларига асосан 2021-2022 йилларда 100 миллион АҚШ доллариғача эквивалентдаги миллий валютада йиллик 2 фоиз ставкада кредит маблағлари ажратилсин. Бунда, ушбу маблағлар Молия

вазирлигининг талабномалари тақдим этилган санадан бошлаб 3 йил муддатгача берилади.

2. Молия вазирлиги мажбур қарорнинг 1-бандига мувофиқ ажратилаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган талабномаларига ҳамда белгиланган ставкага кўра қайтариш шарти билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга уларга бюджет сусудаси сифатида ажратсин. Бунда, Молия вазирлиги кредит маблағларини республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга ва етакчи хорижий тиббий муассасаларда уларнинг мутахассислари малакасини оширишга ҳам йўналтириши мумкин.

Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ФЕНОМЕНИ

У маънавиятга асосланади

Очиқ айтиш керак, бугун дунёда маънавий таназзул, ахлоқий инқироз жараёни юз бермоқда. Бу инсоннинг табиий имкониятларини, руҳий кенгликларини маълум даражада чегаралаб қўймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш бу ҳолатни катта изтироб билан ифодалаб берди: “XXI асрнинг энг катта фожиаси — бу инсониятнинг қадриятлардан узоқлашишидир”. Дарҳақиқат, инсон қадриятлар туфайлигина маънавий баркамолликка эришади, руҳий тозариш имкониятига эга бўлади. Инсонни камолот сари етаклайдиган асос ҳам қадрият саналади.

Ана шундай глобал маънавий муаммолар ва умумбашарий ахлоқий масалалар хусусида гап борганда “Инсон ўзи қандай жонзот? Унинг моҳияти нимада?” деган саволга жавоб излашга тўғри келади. Буюк америкалик ёзувчи Жек Лондон “Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг охиргисидир” деган эди. Бир қарашда бу

бироз қўпроқ, инсонга нисбатан нафрат туйғуси бордай туюлади. Бироқ унинг кирдикорлари, қилиқлари, худбинликлари, сотқинликлари, мунофиқликларини, майда бир манфаат учун ҳам энг яқин одамларидан воз кечишга тайёрлигини кўриб, қўридаги фикрларга қўшилгинг келади.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТИББІЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда хатлов ўтказиш асосида ҳар бир ҳудуд ва муассаса кесимида тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳамда сўда маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган ускуналар рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлигига келишиш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари келишилган рўйхатга асосан тиббий ускуналарни харид қилади. Бунда, ушбу жараёнга “O’zmedimpeks” масъулияти чекланган жамияти агент сифатида жалб қилиниши мумкин;

тиббий ускуналарни харид қилиш бўйича техник топшириқлар ва тендер ҳужжатлари “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасида (кейинги ўринларда — Марказ) комплекс экспертизадан ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ажратилаётган сўда маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишига шахсан масъул ҳисобланади;

хорижда малака оширадиган тиббиёт ходимлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан танлов (конкурс) асосида шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ–6221-сон Фармони билан таш-

кил қилинган Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари мутахассисларининг етакчи хорижий тиббий муассасаларда малакасини ошириш мақсадида Марказда комплекс экспертизадан ўтказиш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

4. Давлат туман (шаҳар) ва вилоят тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ушбу қарор доирасидаги тиббий ускуналарни харид қилиш жараёни ва улардан самарали фойдаланиш устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 ноябрь



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишлари таҳлил қилинди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги раҳбариятининг хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишлар ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Мажлисда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ички ишлар, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, таълим ва зўравонликка учраганларга ҳимоя ордири бериш борасидаги чоралар ҳамда бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан кўрилатган тадбирлар қайд этиб ўтилди.

Жумладан, жорий йилнинг олти ойи давомида хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш учун масъул ваколатли идоралар томонидан вилоятда қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан 1 минг 124 та тадбир ўтказилиб, унда 40 мингдан ортиқ аҳоли қатнашди.

Шу билан бирга, биринчи ярим йилликда Сурхондарё вилояти бўйича 453 нафар хотин-қизга ҳимоя ордири (таълим ва зўравонликдан жабрланганларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳужжат) берилган, шундан 243 нафари 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлардир.

Ушбу шахслар билан етарли профилактик ишлар олиб борилмагани натижасида 15 та ҳолатда таълим ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордири тақдоран расмийлаштириб берилган.

Раёсат мажлисида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболовга, вилоят ҳокими ўринбосари — маҳалла

ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Тоировга ушбу қонун жойларда сифатли ва тўлиқ ижро этилишига шахсан жавобгар экани, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришда самарадорлик қатъий назоратга олинмагани кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама давомида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги раҳбарияти эътибори хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга қаратилди, хусусан:

биринчи — мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилишни фаоллаштириш, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш;

иккинчи — таълим ва зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан таълим ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг тақдоран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

учинчи — таълим ва зўравонликка учраган, шунингдек, ички ишлар органларига ҳимоя ордири бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат этган хотин-қизларни реабилитация қилиш, ҳимоя ордири шартлари бузилишига йўл қўймаслик чораларини тизимли ишлаб чиқиш;

тўртинчи — “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ижросини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижросини самарали таъминлаш топширилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



ТУРКИЙ ДУНЁ БИРДАМЛИГИ ЙЎЛИДА



Одил АБДУРАХМАНОВ,
Тошкент давлат транспорт
университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор




Аввало, Ташкилотнинг таъсир доирасидаги 4 миллион квадрат километр майдонда қарийб 200 миллион аҳолини қамраб олувчи макон — ба қатта бозордир. Колаверис, Марказий Осиё минтақасидаги туркий тилли давлатларда ишлаб чиқарилган турли товарларнинг Европа бозорларига экспортини ташкил этишда Озарбайжон ва Туркия Республикаси транспорт йўлаклари жуда самарали ва қўлай имконият яратади.

Унинг 2019-2021 йиллар мобайнида ўтказилган саммит ва онлайн учрашувларида Ўзбекистон Президенти томонидан Кенгаш доирасида кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган йигирмадан ортиқ ташаббус ва таклифлар илгари сурилган бўлиб, улар тизимли равишда амалга ошириб келиняпти.

Хусусан, Ишбилармонлар кенгаши мажлисларидан бири Тошкент шаҳрида бизнес-форум шаклида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи ёшлар эканидан келиб чиқиб, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Туркий Кенгаш доирасида Ёш тадбиркорлар форуми таъсис этилди. 2021 йилда унинг биринчи мажлиси, Ёшлар ва спорт ишлари бўйича Вазирлар Кенгашининг навбатдаги йиғилиши юртимизда бўлди.

2021 йил июнь ойида Қўқон шаҳрида кенгашга аъзо давлатлар туризм ишлари бўйича вазирларнинг 6-мажлиси ўтказилди ва 2022 йил Қўқон “Турк дунёсининг сайёҳлик маркази” деб эълон қилинди, муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хоразмий маданий меросига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди.



Буларнинг барчаси келгусида транспорт ва транзит тарифларини мақбуллаштиришга, темир йўл ташувлари бўйича ягона тариф режимларини жорий этишга, божхона назоратини рақамлаштиришга, бир сўз билан ифодалаганда, транспорт алоқасига қатта енгилликлар беришга ва аҳолининг фаровонлигига хизмат қилишига қаратилгандир.

Зеро, мазкур йўналишларда транспорт йўлаklarини ривожлантириш ва йирик логистика инфраструктура лойиҳаларини Кенгашга аъзо давлатлар билан биргаликда амалга ошириш Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Мухтасар айтганда, бўлиб ўтадиган навбатдаги саммит натижалари қардош халқлар ва элларни янада бирлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидagi ўрнини янада юксалтиришга, давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама шерикликни кучайтиришга хизмат қилади.

тиладиган ҳужжатлар лойиҳалари қўриб чиқилди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатларнинг савдо-иқтисодий, туризм, маданий-гуманитар, фан-таълим ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

2021 йил 11 ноябрь куни Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Ташқи ишлар вазири кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон, Венгрия ва Туркменистон ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Туркий кенгашининг бўлажак

саммитига тайёргарликнинг ташкилий масалалари ва тадбир кун тартибини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашига кири-

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ФЕНОМЕНИ У МАЊАВИЈАТА АСОСЛАНАДИ



Оқил САЛИМОВ,
академик


 Бошланиши 1-бетда

Буюк непис файласуфи Освальд Шпенглер “Қаерда маданият йўқолса, ўша ерда зоология қуяди”, дейди. Демак, **инсонин инсонга айлантирадиган, унинг қадрият асосларини белгилайдиган нарсас — маданият.** Маданият эса тарбияга суянади, маънавиятдан озикланади, **матрифатдан куч-қувват олади.** Дарҳақиқат, инсон жонотлар орасида **айни** шу маданий имониятлари билан фарқланиб туради.

Инсоннинг феноменал жиҳатларидан бири у ҳамиша ўзига ўзи муаммо яратиб, ўзини ўзи инкор қилиб, ўзини ўзи рад этиб аяйдиган олам эканлигида. Борликда бирон-бир жонзот инсон-чалик ўзига ўзи муаммо яратмади. Улар қандай яшаётганини, нимага яшаётганини тушунмайди. Фақат инсонгина орзулар ва мақсадлар олами-сифатида ҳаётга интилади. У буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилиш салоҳиятига эга бўлиш билан бирга, шунчалик унинг тексарисини ҳам амалга оширишга қодир бўлган ноёб жонзот. Ҳашиқлиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам ақл билан қилади. Ақл эса руҳдан озиқ олади. Демак, руҳиятимиз тозариши, қалбимиз гўзаллашиши, туйғуларимиз шафдофлашиши лозим экан.

Инсон, унинг олами ҳақидаги тасаввурлар инсоннинг ўзи каби қадимий. Антик даврдаёқ, ибтидоий ҳаёт шароитида одам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлган. Ақл, ҳис-туйғу билан боғлиқ ва манфаатлар тўқнашуви, яшаш учун кураш ҳолатлари, эзгуликлар қаторида худбинлик ва зўравонликлар каби иллатларни ҳам шакллантирган.

Куръони Каримда “Биз сизни мукаррам қилиб яратдик”, дейилади. Мукаррамлик нимада? Азизлик, муътабарлик нимада? Бизнинг назаримизда оламни яратган буюк Зот жонзотлар орасида фақат инсонгагина ақл, ҳис-туйғу берган. Ана шу улкан имконият инсоннинг бутун қадриятини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, **инсонни қадриятга айлантирадиган ғоят қудратли куч — ақл!** Инсонни маънавий ва руҳий жиҳатдан эзгуликларга даъват этадиган, ойдин орзулар, эзгу-мақсадлар билан яшашга қақирадиган куч **эса — ҳис-туйғудир!**



Куърони Каримнинг яна бир жойида “Биз сизни ҳар хил қилиб яратдик” дейилади. Буюк яратувчи нима учун айнан инсонни ҳар хил қилиб яратди? Нима учун бир хил қилиб яратмади? Чунки агар бир хил қилиб яратганида Ер юзидagi миллиардлаб одамлар бир хил қийинган, бир нарсани ўйлайдиган, бир томонга қараб юрадиган ҳолатда бўларди. Унда ҳаётнинг мазмуни қолмас эди. Ранг-баранглиги, жозибаси бўлмас эди. Тараққиёт кузатилмасди. Орзуларнинг хилма-хиллиги, мақсадларнинг турфалиги одамларнинг турли соҳалардаги интилишларига асос бўлади. Ҳаёт тараққиётига, инсониятнинг бахтли-саодатли турмушига муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Инсон табиати жиҳатдан ўта мураккаб, зиддиятли жонзот. Унинг қалб иккими континенталар.
Бор олам зиддиятлари, туйғулар ва ҳиссиётлари бўҳронлари шу даражада узғарувчанки, баъзан инсон ўз оламига сиғмай қолади. Ёки ўз қарашлари ва хулосаларига қарши хатти-харакатларини ҳам амалга ошириши мумкин бўлади. Ана шу драматик моҳиятдан келиб чиқиб Жалопиддин Румий “Олами Куброда неки бор, олами Суғрода бор”, дейди. Олами Кубро — борлиқ, маъвжудот, галактика. Олами Суғро — инсоннинг қалби, одамнинг бутун моҳияти, феъл-атвори. Унинг ички олами. Инсоннинг ахлоқий ва маънавий имкониятлари ана шу қалбнинг ҳолатига, тозалиги

даражасига боғлиқ. Улуғ алломанин фикрига кўра, ташқи оламда неки бўлса, инсон қалбида шу маъжув экан. Бўронлар, ғўзлонлар, қорли-кировли кунлар, баҳор эпкинлари, ғўзалликлар, табиатнинг бетакдор жозибаси маънавий ҳолатда, хис-туйғулар оқимида инсон қалбида маъжув. Мусибатли, изтиробли кунлар билан бирга шоду ҳуррамлик, бахтиёрлик, фаровонлик ҳолатлари қалб оламида мўжассам. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳар бир одам алоҳида олам. Ҳар бир одам бетакдор дунё. Унинг қалбида турли-туман фазилатлар билан бирга хилма-хил иллатлар ҳам яшайди. Демак, инсоннинг қалби ўзига хос ринг. Унда фазилатлар иллатлар доимий тўқнашиб, бир-бирини маъв этиб яшайди. Кимнинг қалбида иллатлар ғолиб чиқса, у ёмон одамга, фазилатлар ғолиб чиқса, яхши одамга айланади. Лекин шу нарса аниқки, мутлоқ яхши одам ҳам, мутлоқ ёмон одам ҳам йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас! Ана шундай мураккаб шароитда биз мумкин қадар фазилатларни тарбиялашимиз, фарзандларимизни эзгуликка, мурувватлиликка, бағрикенгликка, садоқатлиликка ўргатоғимиз лозим. Хўргри замонавий цивилизация шароитида бунга катта эҳтиёж сезилмоқда. Худбинлик, қўрломаслик, ҳасад, иғво, гап ташиш одамлар орасида кўчайиб бормоқда.

Инсоният майдалашиб боряпти. Икир-чикирлар орасида қолиб кетмоқда. Бу эса, тасаввурлар торишишга, тафаккур олами қисқаришига, ақл ўтмаслашишига, ҳис-туйғулар сўнишига олиб келмоқда. Инсоннинг одам шаклидаги бошқа жонзотга айланишига, ёввойилашишига сабаб бўлмоқда.

Миллий қадриятлардан узоқлашмиш инсоннинг мадаилашишига, инсонлик моҳияти йўқолишига олиб келмоқда. Одамлар ивирибс яшаш, ўзининг тор қобигидан ташқарини ҳис қилмаслик иллат-ларига учрамоқда. Натижада, унинг ижтимоий моҳияти, буюк мақсадлар билан яшаш салоҳия-ти йўқолмоқда. Буни одамнинг инсоний фазилат-ларини белгиловчи бир қатор омилларда кўриш мумкин. Жумладан:

Эътиқодсизлик, бу маълум бир қарашларга, эзгуликларга олиб борадиган мақсад ва ғоялар-

БЕШ ЙИЛ ИЧИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАКЛЛАНДИ. БУНИ АЛБАТТА, ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРГАНИДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ БУТУНЛАЙ ИСЛОҲ ҚИЛИНГАНИДА, ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАЁТГАНИДА ЯҚҚОЛ КўРАМИЗ. БИРОҚ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОҲИЯТИ ФАҚАТ ШУНДАНГИНА ИБОРАТ ЭМАС. УНИНГ ТУБ МАЗМУНИ, ИЖТИМОЙ ҚАДРИЯТИ, ИНСОН ТАФАККУРИНИНГ КЕСКИН ЎЗГАРГАНИДА БАҲОЛАНАДИ.

дан узоқлашишдир. Эътиқодсиз одамда нимага-
дир интилиб яшаш ҳисси бўлмайдди. Узи билан узи
овора бўлиб, шунчаки яшаш инстинкти кучаяди.
Демак, эътиқодсиз одамдан катта нарсани ку-
тай бўлмайдди. Буюк яратувчиллик даврида бун-
дай одамлар тараққиётга ҳамиша тўсиқ бўлади.
**Ҳамиятсизлик, ориятсизлик оқибатида инсо-
ни қадриятлар йўқолади.** Ҳамиятсиз одам ўзи-
ни ўзи ҳимоя қила олмайдди, ориятсиз одам ўзи-
нинг қадру қимматини асрай билмайдди. Афсуски,
ҳамиятсизлик, ориятсизлик иллатлари кучайиб
бормокда.

Шарм, ҳаё деган Шарқ феноменидаги улус қадрияти йўқолмокда. Одамларда бир-биридан улашиб, бир-бирининг олдига хижолат бўлиш ҳисси барҳам топапти. Бола ота кўзига тик қара- бад гапирадиган, қиз онасининг пандларини эскилик саркити, деб қарайдиган ҳолатлар из- бермокда. Метрода бот-бот “**Ёш болани, ноги- рон ва ёши катта йўловчиларга жой берин**”, деб такорланмиш турса-да, ёшлар катталарга ўрин бұшмаслиги оддий ҳолга айланиб қолди. Аслида бу гапимизнинг ўзи ҳам маиший ҳаёт- даги бир нуқсон сифатида кичкина ҳолат. Ёш- ҳам худди майдалашиб бораётганга ўхшаймиз. Бирок буни мажбур бўлганимиздан, бундай но- бақорлик, ҳаёсизлик, андишаизлик турмуш тарзига айланиб бораётганидан оғриниб гапи- раёппмиз, ҳолос.

Андишасизлик гапирётганда юзинг-кўзинг де-май сўзлас, иш жараёнида устозлар ўғитларига эътиборсиз бўлиш, ҳаётда эса каттанинг қатталигини, кичикнинг кичиклигини ҳурмат қила олмаслиқ оқибатида зоғга келади. Афсуски, андишасизлик беуюзлиқка, шарму ҳаёсизликка олиб келмоқда. Аждодларимиз ҳаммisha андишали киши деганда гапирётган гапини ё қилаётган ишини ўйлaidиған, юз-хотирчилигини билadиған, атрофидагилардан уяладиган инсонни туншуган. Андиша инсоннинг туб моҳиятини, хусусан, Шарқ ахлоқий ўлчовлари доирасида ўзининг қадру қимматишни оширадиган фазилат эканини унутмоқдмиз.

Инсофсизлик инстинктлари кучайиб бор-
япти. Ҳар бир насага адолат билан қа-
раш, виждон амри билан иш тутиш ҳисси-
йўқолмоқда. Худбинлик, маишатпарастлик,



суистеъмоллик, инсоф деган муътабар ўлчовчи ҳисоба олмаяпти, у чегара билмаяпти. Ваҳоланки, инсоф миллий қадрият сифатида ахлоқни маълум бир меъёри, ўлчови ҳисобланади. Инсоф ҳар бир виждонли одам учун жамoa олдидиги, жамият олдидиги ўз ҳулқ-атвори ва одоби учун маънавий жавобгарлик туйғуси ҳисобланади. Афсуски, бу борада жиддий ўпирилишлар бор.

Юқоридаги иллатлар аста-секинлик билан инсоний ҳамият, инсоний орият фазилатларини сўндирмоқда. Ғурур туйғуси йўқолиб бормоқда. Ваҳоланки, ғурурли одам ўзининг қадру қиммати-ни яхши билади. Айтадиган сўзини билиб айт-а



Умумхалқ салоҳияти ва унинг интеллектуал имконияти халқ ҳаёли ҳудудининг ривожланишига, юксалишига олиб келади. Халқ ҳаёси адолат ҳукмрон бўлган, давлат буюк мақсадларни кўзлаган ва истеъдодларни қўллаб-қувватлаган пайтларда ўзининг ноёб намунасини кўрсатган. Бугун янги Ўзбекистонда янгича тафаккур билан яшаш инстинкти феъл-атворга, характерга, турмуш тарзига айланаётган бир пайтда, халқнинг ҳаёли ҳудудати тобора ошайётганини кўряпмиз. Бироқ бу мўътабар жараён аини пайтда ҳар биримизнинг масъулиятимизни оширмоқда.

Замона
ни ўзгарт
онги етар

Замонавий цивилизация инсоният тасаввурини ўзгартирмоқда. Айниқса, ёшларнинг мурғак онги етарли даражада ривожланишига, табиий ҳолда тараққий топишига монелик қилмоқда. Турмуш тарзида сунъийлик, бекфарқлик, лоқайдлик чуқурлашиб бормоқда. Лоқайдлик ва бекфарқлик эса ҳар қандай тараққиётнинг шунақаси ҳисобланади. Дошманидлардан бири бу борада шундай деган экан: “Душманингдан кўркма, зўр бўлса сени улдиради. Дўстингдан кўркма, зарур бўлганда сотқилик қилиши мумкин. Лоқайдлардан кўрк, бекфарқлардан кўрк. Лоқайдлик ва бекфарқлик мавjud экан инсониятта ўлим таҳдид солаверад”.

Надомат билан таъкидлашга мажбурмиз: лоқайдлик, бефарқлик, асага тартибда яшаш, аклини ишлатмай кўн нарсалар эришиш, меҳнат қилмай даромад топиш иллатлари ҳаётимизда мажбур. Ҳаёт ҳақиқати ва инсоният тажрибаси шунки кўрсатадиги, буюк мақсадлар билан яшайдиган халқгина буюк келажagini ярата олади. Бунинг учун жуда катта маърифат, улкан маънавий қудрат керак.

Кейинги беш йиллик ҳаётимиз, тасаввуримиз-
ни кескин ўзгартириб юборди. Ҳаётга муноса-
батларимиз, интилишларимиз улкан мақсадла-
ва қатъий ишонч билан уйғунлашиб бормоқда.
Бутунлай янги дунёқарашдаги, янги тасаввулда-
ги янги фуқаролар шаклланыпти. Бунинг нати-
жасида эса цивилизациялашган эстискоблорга
айни ишонч билан қарайдиган, бутунлай янги
типдаги янги Ўзбекистон вужудга келди ва
реал воқеиқалга айланди. Ана шу жараёнларда
марказий масалалардан бири — ҳамма сайё-
ҳаракатларини инсонга, унинг реал манфаатлари-
га, руҳий ва интеллектуал соғломлигига, маъна-
вий тарбиясига қаратиш вазифаси. Президентим-
из Шавкат Мирзиёев яппи ангиланишлар ва туб
ўзгаришлар моҳиятини худди ана шу омирларда
кашф этиб, ислохотларнинг барча жабҳаларини
айни инсон орқали амалга ошириш назариясини
асослаб берди.

Юкорида айтганимиздек, ҳар қандай тараққиёт
халқ ҳаҳолик кудратининг натиҳаси. Давлат мам-
лакатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб-
чиқади. Уни амалга ошириш бўйича қарорлар,
фармонлар ва қонунлар қабул қилинади. Халқ
эса бунёдкорлик кучи, юксак қобилияти ва интел-
лекуал саҳоияти орқали уни амалга оширади.

Ялпи сафарбарлик — тараққиёт омили!
Фуқароларнинг ғоявий ва маънавий юксак-
лиги буюк сакрашга олиб келадиган қудратли-
куч. Ҳар қандай тараққиётнинг асоси — ахлоқ!
Ҳар қандай таназзулнинг асоси — ахлоқсиз-
лик! Ўзбекистон халқи бир неча цивилизация-
ларни қўрган эл сифатида бунӣ бутун дунёга
исботлаб берди.

инсонлик моҳиятини тушунишга олиб келмоқда. Унинг инсоний моҳияти тобора чуқурлашмоқда. Янгича тафаккур, янгиланаётган оқл бевосита иш-лохотлар мазмунини англаш орқали улкан ижтимоий, цивилизациявий жараёнга, янги Ренессанс ҳодисасининг илк жараёнларига боғланиб бормоқда.

Беш йил олдидан янги Ўзбекистон шаклланди. Буни албатта, шахар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарганида, ишлаб чиқариш соҳаси бутунлай ислоҳ қилинганида, ижтимоий соҳани ривожлантиришда энг замонавий технологиялар жорий қилинаётганида яққол кўрамыз. Бирок янги Ўзбекистоннинг моҳияти фақат шундангина иборат эмас. Унинг тўқмазми, ижтимоий қадрияти, инсон тафаккурининг кескин ўзгарганида баҳоланади. Бугунги фуқаро беш йил олдинги фуқаро эмас. У ижтимоий-биологик маъжудот ёки битта паспорт эгаси сифатида ўша одам бўлиши мумкин. Лекин аниқланган тафаккур, замонавийлашган онг, покланаётган маънавий-руҳий олам нуктаи назардан бутунлай бошқа одамга айланди. Аслида эса, серқирра ислохотларнинг бутун моҳияти ана шу ерда очилади. Демак, **янги Ўзбекистоннинг цивилизациялашган янги фуқароси шаклланди!**



Дарҳақиқат, одамлар, ижтимоий ҳодиса сифатида, ўзини англаяпти, ўзини ўзи қадриятга айлантира бошлаяпти. Ҳеч ким ҳеч кимдан кам эмаслигини, у тўлақонли бахтли, саодатли яшашга ҳақли эканини тушуномқда. Ўзининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини, талабларини ўртага ташламокда. Бу ялпи миллий уйғонишнинг ўзгинасидир. Яъни ялпи ҷамият тафаккур жиҳатдан ўзгарди. Онгли, маърифатли ҳаёт тарзи қарор топмокда. Бу эса, ўз-ўзидан умуммиллий уйғонишга, умуммиллий тараққийга асос бўлмокда. Одамларда ички рағбат, ўз соҳаси доирасида ижодий ёндашув, янгича муносабатлар қарор топмокда. Маданий-маърифий жараён тобора чуқуллашиб, ҳаёт мазмунини янада ўзгартирмокда. Уни ижобий натижаларга эриштирмокда. Демак, одамлар тасаввури орқали ҷамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгариб, тақомиллашиб бормокда.

Кишилик тарихи шундан далолат берадики, қачонки жамиятда ялли ўзлигини англаш, яъна тартибда ҳар бир инсон ўзининг инсоий моҳиятини тушуниш, қадриятга айлантирашига эҳтиёж сезгандир, тараққиётнинг бутунлай янги, замонавий босқичи бошланган. Зотан, ҳар қандай тараққиёт оғза ва тафаккур махсули. Ҳар қандай тараққиёт юксак ахлоқа, замонавий билимга, кенг тафаккурга суянади. Жаҳолат, залолат, қабоҳат сингаринининг қадриятларнинг шаветқиси душманлари барбод этилади. Натижада, ялли ривожланишининг янги даври бошланади. Бу эса, ўз-ўзидан янги Ренессанс даврининг дебочаси ёки остонаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳозирги тарқиқёт даражаси, жамиятнинг маънавий-маърифий имкониятлари асосида шаклланыб, янги-янги тафраккурдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳалқимиз тарихи ва иқболида янги саъяс қараш дари бошланди. Бу — таъкидлаганимиздек, ўзига ҳос Ренессанс ҳодисасининг асоси ҳисобланади.



11 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Инсон қадрини улуғлаб, халқ таянчига айланаётган ташкилот

Бошланиши 1-бетда

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Байрам тадбирида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, унинг ҳудудий, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари, ҳамкор вазирлик, идора ва ташкилотлар, хорижий касаба уюшма марказлари вакиллари, ташкилот фаоллари ҳамда турли соҳада меҳнат қилаётган юрtdошларимиз иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари ҳодимлари ва фаолларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтган 5 йил давомида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бирдек олиб борилган кенг қўламли ва тизимли ислохотлар ҳамда янгиланишлар, уларнинг салмоқли натижалари алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақтда халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, фаровонлигини таъминлаш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон нуфузини дунё миқёсида ошириш борасида тизимли ислохотлар бажарилиб, салмоқли натижаларга эришилди. Пировардда, жамият ҳаёти ва юрtdошларимиз турмушида ижобий ўзгаришлар рўй берди, сирасини айтганда, янги Ўзбекистон фуқаролари янги-ча дунёқараш билан янги-ча ҳаёт кечирмоқда.

Бугун Ўзбекистон том маънода инсон қадрини улуғланаётган юртга айланди. Бу йўлда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлди.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган улкан ва тизимли ишлар давлатимиз ва жамиятимизни тараққиётнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ва қўлга киритаётган натижалари бугун халқаро миқёсда ҳам тан олинди, юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда. Амалга оширилаётган ўз-



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



Музаффар Абдуллаев оқган сурат

гаришлар ва янгиланишлар, аҳолининг турли тоифалари, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлиги ортиб, янги марралар сари олға интилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли соҳа ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўтган беш йил янги Ўзбекистоннинг янги Касаба уюшмалари ҳаётида ҳам туб бурилишлар ва улкан ўзгаришларга бой кечди.

Касаба уюшмалари ҳаётидаги тарихий воқеалардан бири — 2019 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонуннинг имзоланиши бўлди. Ушбу қонуннинг қабул қилингани касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ваколатларини

кенгайтириш имконини берди. Жумладан, касаба уюшмалари инспекциялари қайта тикланди, Касаба уюшмалари Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган 8-қурултойи иштирокчиларига йўлаган табригида мустақил давлатимиз тарихида илк бора 11 ноябрни “Касаба уюшмалари кўни”, этиб белгилаш тақлифини билдирган, “Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва бу 5,5 миллиондан ортиқ аъзога эга бўлган касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеа сифатида тарихга муҳрланди.

Сўнгги йилларда Касаба уюшмалари федерацияси томонидан яқунланаётган йилнинг сарҳисоби сифатида ўзининг муносиб меҳнати билан ватанимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига ҳисса қўшган энг фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнатини эътироф этиш яхши анъанага айланди.

Тантанали байрам тадбиринда мамлакатимиз раёнаки йўлида бор имкониятини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, кўп йиллик илғор иш тажрибасига эга бўлган инсонларни эъзозлаш мақсадида амалга оширилган турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди.

Хусусан, бир гуруҳ юрtdошларимиз **Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг “Эхтиром нишони”** билан тақдирланди.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни қўллаб-қувватлаш, мазкур ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш, ўз фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган турли соҳа вакилларининг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида **“Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси лауреати”** мукофоти таъсис этилган. Тадбирда 14 нафар соҳа вакилига ушбу мукофот топширилди.

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Халқ таъ-

лими вазирлиги иштирокида таълим муассасаларининг математика, физика, кимё, биология, инглиз тили, информатика ва ахборот технологиялари фанлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган **“Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси лауреати”** мукофоти учун республика кўрик-танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси соҳадаги барча халқаро ташкилотлар ва халқаро касаба уюшмалари марказлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди, Марказий Осиё давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мазкур ҳамкорликлар самараси ўлароқ, байрам тадбирига қардош мамлакатлар касаба уюшмалари ва халқаро касаба уюшма марказлари вакиллари ҳам таширф бўюрди.

Халқимизда азалдан меҳмонни сийлаш ва муносиб совғалар тақдим этиш анъанаси бор. Бу миллий қадрият янги Ўзбекистонда содиқ дўстлик, тенг манфаатли ҳамкорлик тамойили асосида такомиллашиб бормоқда. Ана шу эътирофнинг рамзи сифатида тадбирда иштирок этган Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин, Тожикистон мустақил касаба уюшмалари федерацияси раиси Неъматзода Маликшо Махмадшо, Миср Араб Республикаси коммунал корхоналар ҳодимлари касаба уюшмаси президенти Хешам Аҳмед Фуад Аҳмед ҳам **“Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси лауреати”** мукофоти билан тақдирланди.

Барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган ноёб — “Аёллар дафтари” тизими жорий этилиб, эҳтиёжманд oilалар, хотин-қизлар, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. “Аёллар дафтари” тизими орқали ўтган давр мобайнида касаба уюшмалари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қиз билан мулоқотлар ўтказилиб, улардан 900 мингга яқин хотин-қизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини ҳал этиш мақсадларига давлат томонидан 1 триллион 951 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Касаба уюшмалари федерацияси ҳузурида ташкил этилган “1211” ишонч телефонига хотин-қизлардан келиб тушган 100 мингга яқин мурожаат самарали ҳал этилди.

Бундай хайрли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнат қўлаётган, аёлларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ҳодимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида “хонадонбай” ишлашда **“Энг яхши маҳалла раиси”**, ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлашда **“Энг яхши сектор раҳбари”**, гендер сийсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида



“Энг намунали аёл иш берувчи”, “Аёллар дафтари” орқали кўмак олиб, иш ўрни яратган ва маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркор аёллар ўртасида **“Касаба уюшмалари федерацияси лауреати”** мукофоти учун танловлар ўтказилди.

Тантанали тадбирда ана шу танловлар ғолибларига диплом ва **Президент совғаси — “Gentra” автомобили**, иккинчи ўринга сазовор бўлган иштирокчиларга диплом ва **Президент совғаси — “Cobalt” автомобили**, учинчи ўрин соҳибларига диплом ва **Президент совғаси — “Spark” автомобили** қалитлари топширилди.

Ғолибларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Касаба уюшмаси федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов топширди.

Тантанали тадбирда Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби оғир атлетика бўлими мураббийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, “Шўхрат” медали соҳиби Фарҳод Мирзажоновга **Президентимизнинг махсус совғаси — “Malibu” автомашинаси** топширилди.

Шу йил 24 ноябрь кўни мамлакатимиз ривож, халқимиз фаровонлиги, келажак авлодларимиз порлоқ ҳаёти учун муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Президенти сайлови бўлиб ўтди. Бу жараёнда халқимиз муносиб танловни амалга оширди — ўз Президенти Шавкат Мирзиёевни қайта сайлади.

Энди Ўзбекистонда янги тараққиёт даври бошланмоқда. Бунда **“Инсон қадрини унун”** тамойили бош мақсад қилиниб, **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегиясига”** ўтилмоқда. Бу қўтлуғ ва ниҳоятда шарафли йўлда Ўзбекистон Касаба уюшмалари ва бу тизимдаги миллионлаб фаол юрtdошларимизнинг ҳам муносиб ўрни бўлиши шубҳасиз.

Тадбир доирасида концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Шоазим Миноваров қатнашди.

СЎЗ — ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

Хешам Аҳмед Фуад Аҳмед, Миср Араб Республикаси коммунал корхоналар ҳодимлари касаба уюшмаси президенти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси лауреати:



— Сўзим аввалида бутун Ўзбекистон халқини Президент сайловининг муносиб натижаси билан табриклайман. Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг халқ манфаатларини, инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўйгани мана шу сайлов жараёнида кўринди. Ўзбекистон халқи муносиб танловни амалга оширди. Мана шундай муваффақият кўнларда делегация аъзоси сифатида Ўзбекистонга таширфимиздан мамнунмиз.

Сўнгги йилларда Миср ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари Абдулфаттоҳ ас-Сиси ва Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ҳар бир йўналишда келишувлар имзоламоқда.

Биз икки кун давомида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг тизимли фаолияти билан танишдик. Федерация тармоқлари кенг экан. Ўзбекистон тарихан бой мамлакат. Сизларда дунёга намуна бўладиган жиҳатлар кўп. Эътиборлики, Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг соҳа ҳодимларига байрам табриги халқнинг томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Мамлакат раҳбарининг табригини — халқнинг юксак эътибор белгиси, деб биламан. Соҳа ҳодимлардан бир гуруҳига юксак унвонлар, Президент совғалари топширилди. Мен ҳам “Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси лауреати” бўлдим. Бу юксак эҳтиром Ўзбекистон билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтиришимизда катта масъулият юклайди.

Биз кўни кеча Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ҳодимлари касаба уюшмаси билан меморандум имзоладик. Бу муҳим ҳужжат энергетика, нефть ва газ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида муҳим алоқаларни ўрнатилишимизга асос бўлади. Шунингдек, туризм йўналишида ҳам ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Бошқа йўналишларда ҳам муносабатларни кенгайтириш ниятимиз бор.

Фарҳод Мирзажонов, “Энг яхши спорт мураббийи” номинацияси ғолиби:



— Бир неча йилдан буён Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби оғир атлетика бўлими мураббийи сифатида фаолият юритаман. Шогирдларим орасидан Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Улар халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Жорий йил Токио шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида шогирдим Акбар Жўраев 109 кг. вазн тоифасида олтин медал соҳиби бўлди. Қувонарлики, Акбар силтаб кўтариш ва умумий кўрсаткич бўйича Олимпиада рекордини янгилади. Акбарнинг ортидан яна қўллаб ёшлар етишиб келмоқда.

Бугунги байрам — Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни муносабати билан камтарона меҳнатимиз юксак баҳоланиб, Президентимизнинг махсус совғаси — “Malibu” автомашинаси билан тақдирландим. Бундай эътибордан жуда руҳландим. Юртимизда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишига кенг имконият ва шароитлар яратиб бераётгани, соғлом турмуш тарзига катта йўл очаётгани учун Президентимизга, бизни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисига ўз миннатдорлигини билдираман. Бу совғалардан руҳланган ҳолда, келгуси мусобақаларда мана шу эътиборга муносиб жавоб берамиз.

Президентимизнинг соҳа ҳодимларига йўлаган табригини эшитиб, яна-да тўлқинландим. Бу руҳланиш билан катта масъулиятни зиммамизга олдик. 2024 йилда Францияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида медалларимиз сонининг ошишига ҳисса қўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Барно Раҳимова, “Касаба уюшмалари федерацияси лауреати” танлови ғолиби:

— Хоразм вилоятининг Янгиерик туманидаги “Chinni rayoz sorol buyushlari” oilaviy korxonasi rahbariman. Bolaligimdan kulpchilik bilan shugullanaman. Otalibolalarimiz ham mana shu kasb ortidan mashhur usta kulpchilikka erishgan. Men ettinchil avlod vakiliman. Shu kungacha ajdodlarimiz oрасida aёллардан kulpchilik bilan shugullаниb, yuzaga chiqqani бўлган.

Корхонамизда ишлаб чиқарилган махсулотлар АҚШ, Россия, Франция, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга, вилоятимизга таширф буюраётган сайёҳлар, албатта, кулпочилик марказимизга ҳам иштиқол билдиришди. Сайёҳлар сонининг кўпайиши билан кулпочилик санъати, шунингдек, миллий махсулотларимизга ҳам талаб ортиб борапти. Бу, ўз навбати-

Ботир Собиров, “Энг яхши маҳалла раиси” танлови ғолиби:



— Айни пайтда барчамиз шукроналик кайфиятида турибмиз. Ҳеч биримизга сир эмаски, сўнгги беш йилда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар туфайли аҳолининг яшаш тарзи яхшиланиб бормоқда. Биргина маҳалла тизимини оладиган бўлсак, 2020 йил февраль ойида Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши, ундан сўнг “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши сўзимнинг яққол тасдиғи бўла олади. Президентимиз томонидан маҳаллага жуда катта эътибор қаратилмоқда. “Темир дафтар” дейимизи, “Аёллар дафтари” ёки “Ёшлар



бундай ажойиб, қадрли совға билан тақдирланман, деб ўйламагандим. Қутилмаган эътироф ишлашимизга катта куч, ғайрат берди, десам муволафа бўлмайди.

дафтари” дейимизи, жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Айнан “Аёллар дафтари” бўйича касаба уюшмалари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Бунёдкор маҳалласида тизимли ишлар олиб бордик. Уйма-уй юрди, ҳар бир фуқаро, жумладан, аёллар муаммоларини ўргандик. Ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз аёлларга моддий-маънавий кўмак кўрсатилди, ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди.

Касаба уюшмалари федерацияси томонидан юртимиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида “хонадонбай” ишлаш йўналишида ўтказилган танловда “Энг яхши маҳалла раиси” танлови ғолиби бўлди ҳамда Президент совғаси — “Jentra” автомашинаси билан тақдирланди.

Бу, албатта, бизга янада куч-ғайрат ва шижоат бағишлайди. Фурсатдан фойдаланиб, юрtdошларимизни, касаба уюшмалари фаолларини байрам билан қўтайимиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Башират ЮНУСОВА ёзиб олди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ЯШИЛЛИККА
БУРКАНАЁТГАН ФАРҒОНА

15 миллион 300 минг туп дарахт кўчати экилади

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш бўйича долзарб 40 кунлик Фарғона вилоятида ҳам катта уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шу кунга қадар йўл бўйлари, аҳоли яшаш масканлари, маҳалла гузарларида бир миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Европада ҳам машхур

Тадбир доирасида жорий йил куз мавсумида 5 миллион 734 минг туп ва 2022 йил баҳорида 9 миллион 500 минг тупдан ортиқ дарахт кўчати экилади. Шаҳар ва туманларда 176,2 гектар майдонда жамоат парклари, 135,8 гектар ерда яшил майдонлар ташкил этиш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш учун зарур ташкилий чоралар, техника, ирригация тармоқлари ва бошқа инфратузилма билан таъминлаш, экилган ниҳолларни парвариш қилиш билан боғлиқ молиявий масалалар ҳал қилинди.

Бу тадбирларни самарали ва сифатли ўтказишда кўчат етиштирувчи фермер ва томорқачиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Биргина Қува туманида ҳар йили 50 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали, 100 миллион тупдан ортиқ сара атиргул кўчати етиштирилиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

“Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғинида мевали ва манзарали кўчат етиштирувчи соҳибкорлар кўп. Оилаларнинг асосий даромади ҳам шундан келади. Кўчат етиштириш, пайвандлашда ўзига хос тажрибага эга бўлган қорақумликлар йилнинг тўрт фаслида ҳам бу юмушлар билан андармон. Зоҳиджон Валиевнинг асли касби ҳайдовчилик. Кундалик юмушлардан ортиб томорқасида кўчат етиштириш билан шуғулланади. Айни кунда ниҳоллар экиш учун тайёр.

— Сақиз сотиш томорқамизда 10 минг туп ўрик, бодом, олма, шафтоли ва гилос кўчати етиштириш, — дейди боғбон. — Бу 50 миллион сўмдан ортиқ даромад дегани. Харидорлар талабини ҳисобга олиб, айни кунларда харидоргир бўлган пакана ва ярим пакана мевалар, хусусан, АҚШ ва Янги Зеландиядан олма, Туркиядан гилос навларини олиб келиб, маҳаллий шароитда қўпайтиряпмиз. Улар эртапишар, серҳосил, хуштаъм ва чиройли қўриниши билан ажралиб туради.



Миришкор боғбон томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш ҳаракатида. Масалан, мевали дарахтлар тағидаги экин майдони ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бир сотиш ерда 3 минг туп арча, 2 минг тупдан ортиқ шамшод кўчати парваришланмоқда.

Ер — ҳазина. Ундан самарали фойдаланган киши меҳнатининг роҳатини кўради. Қиш остана ҳатлаётган бўлса-да, Қорақум қишлоғидаги ҳар бир оила томорқада иш билан банд. Айни кунларда кўчатларни кўчиришга ҳозирлик кўряпти.

— Қорақумликлар етиштириш кўчат навлари серҳосиллиги, яхши туп олиши билан ажралиб туради. Шу боис, улар харидоргир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳомиджон Турғунов. — Айниқса, мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари етиштириш кундан-кунга оммалашиб бормоқда. 1138 хонадоннинг 72,5 гектар томорқасида асосан, кўчат етиштирилади. Мавсумда 700 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчати сотишади. 150 минг тупдан ортиғи Қозоғистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. Польшага гул кўчатлари етказиб бераётган тадбиркорларимиз ҳам бор.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Тадбирли, уддабурон, ўзи ва атрофдагиларнинг молиявий шароитини яхшилашга ҳисса қўшадиган инсонларни “тадбиркор одам-да”, дея алқаб келамиз. Аммо кейинги йилларда тадбиркор тушунчаси нафақат тор доирадаги, балки дунё талаблари даражасидаги, ўзбек маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқадиган, кенг турдаги фаолият билан шуғулланиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ишбилармонларга нисбатан қўлланила бошланди. Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик йўналиши том маънода янги босқичга кўтарилди.

ТАДБИРКОРЛАР ИШОНЧИ

Илҳом АЛИМАРДОНОВ,
ТДИУ Рақамли иқтисодиёт
факультети декани,
иқтисодиёт фанлари доктори

Ишбилармон кишига эмин-эркин ишлаши учун шароит яратиб берилса, унинг фаолияти кенгайиб бораверади. Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорларга ана шундай шароит билан бирга, кенг имкониятлар, соҳа ривожини учун катта қўлайликлар яратилмоқда. Натижада бу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар, ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол. Энг муҳими, бугун давлат ташкилотлари тадбиркорларни эшитяпти, уларнинг муаммоларига қулоқ тутиб, ечимини берапти.

Кредит олиш осонлашди

Сир эмас, тижорат банкларининг кредитлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири саналади. Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион харажатлари молиялаштирилса, қисқа муддатли кредитлар тадбиркорлик субъектлари айланма маблағларини тўлдиришнинг муҳим молиявий манбаи бўлади. Бироқ кредит олишдаги сарсонгарчиликлар одамларни узоқ йиллар қийнаб келгани рост. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кредит ажратиш тизимининг соддалаштирилиши натижасида минглаб инсонлар ўз тадбиркорлик фаолиятига эга бўла бошладди.

Ишбилармон кишига эмин-эркин ишлаши учун шароит яратиб берилса, унинг фаолияти кенгайиб бораверади. Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорларга ана шундай шароит билан бирга, кенг имкониятлар, соҳа ривожини учун катта қўлайликлар яратилмоқда. Натижада бу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар, ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол. Энг муҳими, бугун давлат ташкилотлари тадбиркорларни эшитяпти, уларнинг муаммоларига қулоқ тутиб, ечимини берапти.

Бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда. Жорий йил 6 ноябрь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида миллий иқтисодиёт, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантиришда хусусий секторни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш,



солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳит ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бу борада бошланган ислохотлар қисқа вақтда янада фаоллашди, асло сустлашмади. Хусусан, мустақиллигимизнинг 30 йиллик шодиёнаси арафасида Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқоти катта воқеалик бўлди. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор кузатишган ушбу ҳодисада 600 га яқин тадбиркор, вилоят ва туманлардаги студияларда эса жами 10 000 га яқин ишбилармон иштирок этди.

Кичик ва ўрта бизнеснинг сўнгги йиллардаги ўсишини таҳлил қиладиган бўлсак, бугун тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг таянч омилга айланиши рост. Президентимиз бу борадаги кўрсаткичга алоҳида тўхталиб, “кейинги беш йилда 1,5 миллион тадбиркор фаолиятини ташкил этдик. Аввал 400 мингга эди. Улар 5 миллион халқимизга иш берапти”, дея таъкидлади.

Биргина мисол, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 53,9 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилгани ҳолда, мазкур соҳанинг улуши қўрилишда 72,4 фоиз, йўловчи ташуш соҳасида 93,9 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги тармоғида 97 фоизни ташкил этди.

Ислохотлар жараёнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиздан

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойиҳага жами 48,4 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2020 йиллар давомида жами 15,7 триллион сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу орқали 633 мингдан зиёд оилалар тадбиркорлиқни йўлга қўйиб, даромад топишга замин яратилди. Бошқача айтганда, республика бўйича ўрта ҳисобда ҳар минг хонадоннинг 94 таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Ҳисоб-китобларга қўра, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитларнинг 2,5 триллион сўми (41 фоизи) юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар, 3,6 триллион сўми (59 фоизи) ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Марказий банкнинг расмий маълумотига қўра, 2020 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 17 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,9 миллиард АҚШ доллари миқдорига кредитлар ажратилган.

Эътиборлиси, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2021 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини

қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун бериладиган компенсацияни, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолинган ҳолда тақдим этиш йўлга қўйилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириши учун кредит миқдорининг 75 фоизига, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилилик бериш, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилиликларни кредит шартномалари сонидан қатъий назар бериш жорий этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини тақомиллаштириш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни молиявий манба билан таъминлаш мақсадларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратиши белгиланди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш борасида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш жоиз. Банклар томонидан ажратилган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаётгани мавжуд муаммолардан биридир. Таҳлилларга қўра, биргина акциядорлик тижорат Ҳалқ банки томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг улуши 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, 15 фоизни ташкил этди. Давлатимиз раҳбари 2021 йил 12 май куни ўтказилган йиғилишда муаммоли кредитлар масаласининг жиддийлигига тўхталиб, “Соҳалар кесимида саноатда — 3 триллион сўм, савдо ва хизмат кўрсатишда — 2,1 триллион сўм, қишлоқ ҳўжалигида — 1,8 триллион сўм, қурилишда — 978 миллиард сўм, транспорт ва коммуникацияда — 547 миллиард сўмлик муаммоли кредитлар вужудга келган. Агар бу пуллар иқтисодга қайтса, қанча фойда бўлади? Бу пуллар қайтиши ҳўзир иқтисодиёtimизга ҳаводек зарур. Бу йил иқтисодиётимизга мисли қурилмаган пул сарфладик”, дея таъкидлади.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш борасидаги долзарб муаммолардан яна бири — бу тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари юқори эканлиғидир. 2020 йилда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 22,3 фоизни ташкил этди. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкаси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан учрашувда ана шу масалаларга эътибор қаратиб, энг долзарб муаммоларни тизимлаштирган ҳолда, уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастурини эълон қилди. Дастур банкларнинг капиталини ошириш бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш, четдан ресурслар қандай валютада жалб қилишидан қатъий назар, тадбиркорларга кредитни миллий валюта — сўмда ва бизнес вақиллари учун мақбул фоизларда бериш тизимини йўлга қўйиш, ҳукумат томонидан халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинаётган имтиёзли маблағлар ҳисобидан, банкларга бериладиган кредитларнинг муддатини чеклаш амалиётини бекор қилиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Шунингдек, учрашувда жорий йил 1 октябрдан бошлаб илгари 1 миллион долларгача хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тадбиркорнинг жами 1 миллиард долларга яқин кредитлари, тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан, миллий валютага ўтказиб берилиши ҳам таъкидланган.

Мазкур масалалар бугунги кунда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиб, имтиёзлар ошиб бораётгани эъзаб, минглаб тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмоқда. Эндиликда, одамлар кичик ва ўрта бизнесда ишни қўқув билан эмас, балки қатъий ишонч ва катта мақсадлар билан бошляпти.

МЕРОС

ОЛТИ ЮЗ ЙИЛЛИК
ҚЎЛЁЗМА

“Шоҳнома” АҚШ тадқиқотчилари нигоҳида

Абдумажид МАДРАИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи
бўлим мудири, профессор

Шахзода, буюк ҳомий, мусиқа, шеърят ва китобат мухлиси Бойсунғур Мирзо (1397-1433) Мирзо Улугбекнинг укаси, Шоҳрух Мирзонинг учинчи ўғли, Амир Темур набираларидан биридир. У ҳукмрон оила вакили сифатида муайян давлат лавозимларини эгаллаган, Мозандарон, Астробод ва Жужон вилоятлари ҳокими бўлган, аммо уни жаҳонга машҳур қилган фазилати ўз саройига олиму фузалолар, шоир, хаттот, наққош-мусаввир, созанда ва хонандаларни йиғиб, анжуманлар ўтказиб тургани, уларга ҳомийлик қилганидир.



Ташкил қилган катта кутубхонасида қирқта хаттот, етмишдан ортиқ рассом-наққош ва китобат аҳли жамланган. Шахзода илмий-ижодий тадқиқот ишлари бошида туриб, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг илмий-танқидий матнини тиклаб, муътабар қўлёзмасига ўзи сўзбоши ёзган, Амир Хусрав Дехлавийнинг пароканда бўлиб кетган шеърий меросини ҳаётга қайтаришга интилган. Ўзи ҳам ноиктаъб шоир, бастакор ва хаттот эди. Бойсунғур Мирзонинг кутубхонасида ўз даври шоҳ асарлари бўлиши китобат намуналари ижод қилинган.

Абулқосим Фирдавсийнинг ушбу кутубхонада сақланган “Шоҳнома” асарининг муътабар қўлёзмаси яратилганига жорий йилда олти юз йил тўлди. Мазкур санани нишонлаш учун АҚШнинг Принстон шаҳрида қўлёзмаларни ўрганишга бағишланган анжуман ташкил этилди. Унинг доирасида “Шахзода Бойсунғур Мирзо: аввал ва ундан сўнг: Темурий қўлёзмалар кесимида” мавзусида икки кунлик илмий симпозиум бўлиб ўтди.

Онлайн шаклда ўтган тадбирда ушбу мамлакатнинг кўзга қўринган ийрик мутахассислари — Олий тадқиқот институтидан Сабина Шмидке, Шива Миҳан, Тарихий тадқиқотлар мактаби мустақил тадқиқотчиси Барбара Бренд, Қоҳира университетида Бернанд О’Кейн, Шотландиянинг Эдинбург университети мутахассислари Роберт Хилленбранд, канадалик машҳур навоийшунос ва темуршунос Ева Мария Сабтеъни, темурийлар шажараси тадқиқотчиси Беатрис Манс, Франция миллий кутубхонасининг таниқли қўлёзмашуноси Франсис Ричард каби олимлар иштирок этди.

Илмий анжуманда бевосита иштирок этган Индиана университети кутубхонаси масъул ходими, профессор Акрам Ҳабибуллаевнинг билдиришича, маърузачилар темурийлар даври китобат санъати ва миниатюрасининг тарихий илдиэлари, Бағдоддаги китобат анъаналари ва Хитой наққошлик унсурлари, Хиротдаги ижодий жараён ва бу жойда яратилган ноёб муътабар қўлёзмалар жаҳон цивилизацияси тарақиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидладилар.

Кўзгу

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

дилдаги гаплар

Отабек НАСИМОВ,
журналист

Бугун юртимизда юз ёш билан юзлашган кўплаб табарруқ инсонлар ҳаётимизга кўрк бўлиб умргузаронлик қилмоқдалар. Орамизда аср билан тенгдош дуогўй отахону онахонларимиз борлигидан қувонамиз, албатта. Чунки шу инсонларнинг ҳаёт йўллари биз учун ибрат, панду насихатлари эса ҳаётимизни янада файзли, йўлларимизни равон қилиши шубҳасиз.

ҚАРИСИ БОР УЙ...

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Беларик маҳалласида истикомат қилаётган Суюмбика момо Шарипова ҳам яқинда муборак 102 ёшини қарши олади.

— Онахон бугун маҳалламизнинг кўрки, — дейди “Беларик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ботир Исроилов. — Каттаю кичик у кишини зиёрат қилишга, пурмаъно суҳбатларидан баҳраманд бўлишга, дуоларини олишга интилади.

Дарҳақиқат, сўзлари ҳикмат, юзларидан нур ёғилиб турган содда ва самимий онахон билан суҳбатлашиб, ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари, ҳалол меҳнат, бағрикенглик ва шукроналик инсонни муродга, эъзозу эҳтиромга етказишини англагандай бўласиз.

— Бутун умрим меҳнатда ўтди. Узоқ умр кўриш, аввало, Ўратаннинг марҳамати, қолаверса, ҳалол меҳнат, кўнгил хотиржамлиги, бағрикенглик, одамларга яхшилик қилиш инсон умрини узун ва зийнатли қилади, —

дейди Суюмбика момо. — Мен ўтаётган ҳар бир кунимга шукрона келтираман. Шунча йил яшадим, ризқ-насибам кам бўлмади. Давлатимиз раҳбари эса мен каби кексаларга ҳурмат, эъзоз кўрсатмоқда. Бундан ортиқ бахт йўқ, болам. Шунинг учун ҳам сайловда Президентимизга овоз бердим! Илоҳим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин.

Ҳа, Суюмбика момонинг тилидан шукроналик тушмайди. Ўтган ҳаётини, бошидан ўтказган қийинчиликларни, фарзандларини оёққа турғазгунча чеккан азобларини, навқирон пайтларидан тонг саҳардан кеч оқшомгача далада тупроқ кечиби, ғўза чопганию шопи ўтаганларини эртакдай сўзлайди.

— Болам, ҳар бир куннинг шукрини қилиш керак. Бундай замоннинг қадрига етиш лозим. Биз бир бурда нонга зор бўлиб юрган вақтларимизда ҳам онамиз нолимимизни гуноҳ санарди. Аллоҳ марҳамати билан Ўзбекистонда тинчлик. Ёшлар учун ҳамма шароитлар бисёр. Қариялар



эъзозда, бозорларда тўкинлик, сочинлик, — дейди онахон.

Момонинг хотираларини тинглаб, ана шундай қийинчиликларни, оғир кунларни бошидан ўтказган табарруқ момо каби минглаб ўзбек аёлларининг

иродасига, сабр-бардошига ҳар қанча таҳсинлар айтса арзийди. Қандай кунларни бошидан ўтказмасин, муҳтарам онахонларимиз меҳр-оқибатни, халқимизга хос андиша, оилага садоқатни асло унутган эмаслар.

САЛОМАТЛИК

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

даволаш имкониятларини ошириш йўлида

Фаррух ШАРИПОВ,
Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори

Мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигини оширишга эътибор бугун ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, шифо масканларида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, фуқаролар, қолаверса, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Фуқароларни давлат томонидан тиббий суғурталаш масаласи Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ўз аксини топти.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида махсус тиббий суғурталаш жамғармалари фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий мақсади — беморларга сифатли тиббий ва профилактик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш учун мажбурий тиббий суғурталаш тизимини молиялаштиришдир. Юртимизда ҳам Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Франция, Германия, Норвегия, Россия каби давлатларнинг бу борадаги тажрибаси асосида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил этилди.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси — давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат

сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш. Аҳолининг барча қатмаларини давлат томонидан қафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этишда иштирок этамиз.

Давлат тиббий суғуртаси билан нимага эришамиз? Энг аввало, касалликларни эрта аниқлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва қўламини янада оширишга эришилади. Қафолатланган пакетлар билан эса ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатилади ва дори воситалари етказиб берилади. Фуқаро пакет доирасида ҳудудий оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда зарур диагностика ва лаборатория текширувларидан ўтади. Бу пакетларнинг муддати бўлмайди ва ҳаммага тенг бўлади.



Ҳозир Сирдарё вилоятида аҳоли рўйхатдан ўтказилди ва уларнинг саломатлиги мавжуд хавф омилларига кўра хавф гуруҳларига бўлинди. Ўрта ва юқори хавф гуруҳларига кирувчи аҳоли белгиланган муддатларда тиббий қўриқдан ўтши таъминланади ва саломатлиги даврий кузатувга олинади. Юқори хавф гуруҳига кирувчи ва мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олиниб, уйда тиббий хизмат кўрсатилади. Профилактик қўриқлар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича мақсадли скрининг текширувлари ўтказилади ва патронаж қўриқлари оптимизация қилиниб, янги мақсадли патронаж тизими жорий этилмоқда.

Шу ўринда давлат томонидан аҳоли учун тиббий ёрдам олдин ҳам бепул берилган, энди ҳам берилар экан, янгилик нимада, деган савол бўлиши мумкин. Қайд этиш керакки, оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиникаларда фақат мурожаат тартиби ўзгаради. Авваллари бемор ўзининг оилавий шифокорига учрашмасдан, тор соҳа шифокори қабулига кетаверган бўлса, энди оилавий шифокор йўлланма берсагина, тор соҳа мутахассисига боради. Агар йўлланмасиз борса, пул тўлайди. Шунинг учун ҳар бир фуқаро ўзининг ҳудудий поликлиникасига бириктирилган бўлиши керак. Оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиникаларда клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартларига кўра

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ БИЛАН НИМАГА ЭРИШАМИЗ? ЭНГ АВВАЛО, КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ, АҲОЛИГА КўРСАТИЛАётган ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ВА ҚўЛАМИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ЭРИШИЛАДИ. КАФОЛАТЛАНГАН ПАКЕТЛАР БИЛАН ЭСА ҲАР БИР ТИББИёт МУАССАСАСИ ДАРАЖАСИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛАДИ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

қафолатланган пакетда белгиланган ҳажмда тиббий хизмат кўрсатилади.

Шу тариқа Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида 2021 йилнинг 1 июлидан 2022 йил охирига қадар тажриба-синов тарикасида соғлиқни сақлаш тизимининг янги модели ва молиявий механизмлари синовдан ўтказилмоқда.

Ҳозир Сирдарё вилоятидаги 11 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси, 18 та вилоят соғлиқни сақлаш муассасаси билан шартномалар имзоланди. Ушбу шартномаларга асосан бирламчи тизим муассасалари уларга бириктирилган аҳоли сони ва таркибидан келиб чиқиб, диспансер хизматлари кўрсатуви муассасалар глобал бюджет асосида ва стационар муассасалар бажарилган ишлар натижаси (даволанган ҳолатлар) бўйича молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Айни вақтда Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартнома асосида тиббий хизматларнинг базавий нархларида молиялаштирилмоқда.

Бугунги кунда 14 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасида шартномалар тузилди. Ихтисослаштирилган муассасаларда бемор даволанганидан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан базавий нархлар доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағ ихтисослаштирилган муассасаларга Давлат бюджет ҳисобидан ўтказиб беришмоқда.

Ноябрь ойидан республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва урология, 2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли



тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилди.

Бунда имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузиладиган шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

2022 йил 1 январдан бошлаб, республика даражасидаги 13 та давлат тиббиёт муассасасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволашнига йўллаш тартиби ҳамда молиялаштиришнинг янги механизми жорий этилади.